Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 200 (7. 289) 1990 йил 1 сентябрь, шанба ⊙ Баҳоси 3 тийин.

## СССР Президенти мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида Фармон қабул қилди

Илгари хабар қилинганидек, СССР Президенти М. С. Горбачев аҳолини тамаки маҳсулотлари билан таъминлашдаги танг вазият сабабларини тушунтириб беришни бир қанча мансабдор шахслардан талаб қилди. Тамаки бозоридаги танглик сабаблари хусусида келтирилган далиллар ва изоҳлар ишонарли ва асосли эмас, деб топилди. СССР Президенти 30 август куни Фармон қабул қилди.

СССР Президенти **қарор қилди:**

1. Тамаки ишлаб чиқариш камайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлиги, тамаки саноати ишида ўпирилишга йўл қўйганлиги, бу аҳвол мамлакатнинг кўп районларини тамаки маҳсулотлари билан таъминлашда узилиш бўлишига, планга қўшимча валюта сарфланишига олиб келганлиги учун ўрток Владилен Валентинович **Никитин** СССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Министрлар Кенгаши озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси лавозимидан бўшатилсин.

Ўрток В. В. Никитинни вазифаларидан бўшатиш тўғрисидаги қарор СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилсин.

2. СССР Министрлар Кенгашига, иттифоқдош жумҳуриятлар давлат олий раҳбаларига тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бундай маҳсулотлар билан савдо қилишдаги узилишлар учун конкрет ходимларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилсин.

3. СССР Министрлар Кенгаши иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан биргаликда аҳволни дарҳол ўнглаб олиш чораларини кўрсинлар, жумладан шу йил 1 октябрдан бошлаб тамакининг янги харид нархларини жорий этсинлар ва бу ҳақда жамоатчиликка хабар қилсинлар. **(ТАСС).**

Янгиликлар • Воқеалар • Шарҳлар

## Илғорлик сирлари

**⊙ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводи 1-цех жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили саккиз ойлик топшириқларини шараф билан уддалади.**

— Илгари топшириқларни бажара олмай, корхона кўрсаткичларини орқага тортиб юрган бу цех таъмирмирланиб илғорлар даражасига чиқиб олди, — дейди цех бошлиғи ўринбосари Р. Галимов. — Бу цех — бутун бир комплекс бўлиб бунга хом ашё тайёрлаш, лакни синтез қилиши, лакни фильтрлаш, сақлаш завод ичидаги аралаш цехларга ярим фабрикат лак бериш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш вазифаси киради.

Цех таъмиридан сўнг механизациялаштирилди. Ундан олдин эса асосан хом ашёлар қўл меҳнати асосида бажарилар эди. Бугунги кунда эса хом ашёлар ҳаво узатгичи бункерлар орқали ва суюқ ҳолда электрон тарозилар орқали берилади.

Янги техника ва технологияни жорий қилиш йўли билан ишчилар оғир қўл меҳнатидан озод бўладилар, ишлаб чиқариш унумдорлиги ошди ва ишчиларнинг меҳнат шароити тубда яхшиланди.

Цехда автоматлашган система ўрнатилди. Бу система асосий технологик ишлаб чиқариш жараёнини автоматик шароитда назорат қилиб туради. Унинг афзаллиги смена бошлиғини ҳамма бўлимларда бўлаётган иш услубидан хабардор этиб боради ва технология жараёни пайтида айрим авария ҳолатларида қандай оператив қарор қабул қилиш йўлларини кўрсатади.

## Амалий ҳамкорлик

**⊙ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси кимё илмий текшириш институти олимлари саноат корхоналари билан яқин алоқада иш олиб бормоқдалар.** Бундай ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш мақсадида илмий муассаса базасида яна бир тадқиқот маркази ташкил этилди.

«Спектр» деб номланган мазкур илмий марказ ўз фаолиятини жонлантириб юборди. Ҳозирнинг ўзида қатор йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузилди. Илмий-техникавий йўналишдаги бундай амалий алоқалар тадқиқотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Спектр» «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан биргаликда қатор режаларни белгилаб қўйди. Олмалиқ кимё заводи, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати ҳам институт билан бамаслаҳат иш тутиб, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

## Жаҳон бозорига

**⊙БИРЛАШМАДА хорижий давлатларнинг корхона ва фирмалари билан ҳамкорлик қилишга киришганларига кўп бўлгани йўқ.** Яқинда Гонконгдаги дунёга машҳур «Космос» машинасозлик гуруҳи вакиллари келишди. «Космос Мечинери Интернейшил ЛТД» фирмасининг бош менеджери Тай Лион Син, «Ориентал Мечинери ЛТД» фирмасининг бош менеджери Нган, «Гобалак Интейнейшил ЛТД» фирмасининг бош менеджери Танг, бирлашма бош директори, консорциум бошқарувининг раиси Т. М. Маҳкамов, «Виктория» ишлаб чиқариш ширкати фирмасининг раиси Н. В. Мостовойлар ўртасида олиб борилган амалий суҳбатда томонларнинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Маслаҳатга асосан бирлашмада кабель тайёрлаш жараёнида чиқадиган чиқиндиларни қайта ишлашга хорижликлар кўмаклашишади. Келажакда кабель маҳсулотларини жаҳон бозорига кўпроқ чиқариш мўлжалланмоқда.

Сентябрь ойининг ўрталарида бирлашма вакиллари Гонконгга бориб айрим масалаларни муҳокама этишади.

### ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Шу йил 4 сентябрь соат 10.00 да Билимлар уйида (Киров кўчаси, 24-уй) шаҳар Совети депутатларининг навбатдаги машғулоти бўлади. Кун тартиби:

1. Бозор иқтисодиёти шароитларида шаҳар халқ хўжалигини бошқаришда маҳаллий Советларнинг роли.
2. Маҳаллий бюджетни шакллантириш асослари ва молия-кредит сиёсатини бошқариш.
3. Шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосарлари, шаҳар Совети ижроқўми бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари иштирокида «давра суҳбати».

Машғулот соат 10.00 да бошланади. Рўйхатга олиш соат 9.00 дан.

**Тошкент шаҳар Совети президиуми.**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ахбороти

19-сайлов округидан Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод этиб Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раисининг муовини, 1951 йилда туғилган Зоҳиджон Отахонович Қодиров рўйхатга олинди, Тошкент шаҳри.

Бугун—Билимлар куни

# Ассалом, сентябрь!

**⊙ Бугун — I сентябрь! Билимлар байрами куни. 1990-1991 ўқув йилининг биринчи куни. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби бугун шаҳримизнинг мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва олийгоҳларида биринчи қўнғироқ жаранглади. Шу қутлуғ айём муносабати билан мухбирларимиз Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси мутасаддиларидан ушбу ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрилгани ҳақида гапириб беришни илтимос қилишди.**

## Давр талаби

**С. ҒУЛОМИДДИНОВ,**

**Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари ўқув-методика Бош бошқармасининг бошлиғи.**

— Олий таълим соҳасида ҳозир катта ўзгаришлар амалга оширилаяпти. Бу йил Тошкент машинасозлик ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳлари илк маротаба талабаларни қабул қилди. Умуман, ушбу 1990 йил 1 сентябрь куни жумҳуриятимиздаги 30 олий ўқув юртига қабул қилинган 13.300 ёш ўзларининг талабалик даврларини бошлайдилар.

Шуниси қувончлики, ёшларимизда илмга чанқоқлик тобора кўпроқ сезилмоқда. Бу йил ўрта ҳисобда олий ўқув юртларига кириш учун ҳар 100 ўринга 354 абитуриент даъвогарлик қилди. ТошДД ҳуқуқшунослик куллиётига қабул режалаштирилган 100 ўринга мингдан ортиқ, ўзбек филологияси куллиётига эса 100 ўринга 1230 ёш талабгор ҳужжат топширди.

Маҳаллий кадрларни кўплаб тайёрлаш мақсадида Самарқанд Давлат дорилфунунида муҳандислик куллиёти очилди. Кейинчалик Тошкент архитектура-қурилиш олийгоҳини очиш ҳам мўлжалланмоқда.

Ушбу ўқув йили арафасида Тошкент политехника олийгоҳининг янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Тошкент Давлат дорилфунунида эса шарқшунослик куллиёти учун янги ўқув корпусини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

## Асосий мезон

**А. СОДИҚОВ,**

**Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўрта махсус ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи.**

— Ҳаётимизда давом этаётган янгиланиш жараёни туфайли ўрта махсус таълим соҳасида ҳам кўпгина ижобий тадбирлар юзага келмоқда. Ҳозир техникумларда ташкилотлар билан шартнома тузиб, буюртмачи маблағи эвазига мутахассисларни тайёрлаб бериш тажрибасига қўл урилди. Техникумда билим олган талаба, диплом олганидан сўнг қадрдон корхонасига қайтиб боради. Ҳозирча корхоналар ҳисобидаги 800 талаба ўрта махсус ўқув юртларида мутахассислик сирларини эгалламоқда.

Техникумга абитуриентларни қабул қилишда ҳам ибратли тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Баъзи техникумларда ўқувчилар математикадан имтиҳонни компьютерга топширишди. Бу янгилик талабаларга ҳам, устозларга ҳам ёқди. Ҳозирда техникумларга қабул қилишда асосий мезон — билим бўлиб қолди. Яъни, аввалгидаги каби меҳнат стажи эмас, ўқувчининг билим даражасига қараб талабалар сафига қабул қилмоқдамиз. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларини эса суҳбат орқали синовдан ўтказяпмиз. Бу йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир икки баҳосиз ўқиётган талаба (яъни имтиҳонларни ўз вақтида топшириб келаётган) стипендия олишга ҳақлидир. 1991 йил 1 январдан бошлаб эса стипендиялар миқдори 50 фоизга ошади, яъни 30 сўмдан 45 сўмгача кўтарилади.







**⊙ Шаҳримиздаги 63-ўрта мактабда ҳам бугун биринчи қўнғироқ зўр қувонч билан кутиб олинди.**

**СУРАТЛАРДА: Ҳурихон Миралиева ўттиз уч йилдан бери ушбу билим даргоҳида ўқитувчилик қилади; Хосият Муҳаммаджоновани ота-оналар ва ўқувчилар янги ўқув йили билан табрикламоқдалар; мактабни турли йилларда битириб, ёш авлодга сабоқ бериш ниятида яна қадрдон илм масканларига қайтиб келган ўқитувчилар ўз устозлари Ш. Ҳусниддинов даврасида.**

**Т. Каримов** суратлари.

## Янгича ёндошайлик

**Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,**

**Ўзбекистон ССР халқ таълими министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи.**

— Ҳозирги қайта қуриш даврида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мактаб ислоҳоти ҳам қайта қуриш мевасидир. Келажакда бизга бутунлай янгича тафаккур ва билим доирасига эга бўлган илм соҳиблари керак. Шу муносабат билан янги ўқув йилидан бошлаб мактаблар учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқдик. Айрим фанларни чуқурроқ ўргатиш мақсадида барча имкониятларни ҳисобга олиб шаҳримиздаги 14 та мактабни араб тилига, 20 тасини информатикага, 44 тасини математикага, 33 тасини физикага, 26 тасини химияга, 7 тасини биологияга, 15 та билим даргоҳини она тили ва бошқа фанларга ихтисослаштирдик. 22 мактабда педагогика фанига алоҳида эътибор бериб ўқитилади. Бундан ташқари шаҳримиздаги 45 мактабда олий ўқув юртлари билан шартнома тузилган ҳолда ўзаро ижодий ҳамкорлик бошланди. 10 ва 11-синфларни аъло баҳоларда тугаллаган ўқувчилар мазкур ўқув даргоҳларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. 99-мактаб қошида миллий маданият ва тарбия маркази ташкил этилди. 42, 50, 60, 191-ўрта мактабларни билим макони деб номланган ҳолда махсус тузилган қабул комиссияси танловидан ўтган маълум бир фанга лаёқати бор, иқтидорли болалар ўқитилади.

Бугунги сентябрь тонгида Чилонзор — 30 уй-жой даҳасида 1751 ўринли, Чилонзор — 31 уй-жой даҳасида 994 ўринли, Ўрикзор даҳаси 600 ўринли, Ленин районида 1251 ўринли, Улуғбек посёлкасида 1151 ўринли мактабларда биринчи қўнғироқ чалинди.

## Бош бўғин

**С. ХОЛИҚОВ,**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

— Янги ўқув йилида шаҳримиздаги 50 дан ортиқ ҳунар-техника билим юртларига 11900 дан ортиқ йигит-қизлар қабул қилиндилар. Бу билим юртларида халқ хўжалигининг ўн бир тармоғи бўйича 250 га яқин турли касб эгалари тайёрланади.

Узлуксиз таълим тармоғи талабларига биноан ўқувчи ёшларга билим ва малака беришда ҳунар-техника билим юртлари асосий бўғин вазифасини бажаради. Шаҳримиздаги 12, 11, 31, 35, 39, 41, 36 ва 50-билим даргоҳларида тажриба асосида тезлашилган дарс ўтиш усули асосида ўқитилади. Ўқувчиларнинг яхши ўқиб, чуқур илм олишлари, олий ўқув юртларида муваффақиятли таҳсил кўришлари учун замин тайёрлайди. Мазкур билим юртлари орқали Тошкент машинасозлик олийгоҳига, политехника олийгоҳининг қурилиш куллиётига, автомобиль йўллари олийгоҳининг механика куллиётига ва Тошкент Тўқимачилик олийгоҳларига талабалар тайёрлаб берадилар.

Олий ўқув юртлари орқали тажриба ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси режаларини тузиш ишлаб чиқилди. Билим юртлари эса уларнинг асосий таянч бўғини вазифасини ўтайди.

## Мактабларнинг эшиклари очилди

**Ўзбекистон пойтахтининг Акмал Икромов районида бугун бирйўла учта янги мактаб ўқувчилар учун ўз эшикларини очди. Уларнинг ҳар бири 1250 ўқувчига мўлжалланган. 297-мактаб «Ўрикзор» даҳасида, 295 ва 296-мактаблар эса 30 ва 31-даҳаларда жойлашган.**

Мутасаддилар фикрича...

## Мудҳиш хабар

**Эслатиб ўтамиз, гап 28 август куни «Время» программаси кўрсатувидаги гўё Тошкент метрополитенида «СПИДдан ҳам хатарли» замбуруғлар топилди, деган хабар ҳақида боряпти.**

**Мухбиримиз Тошкент метрополитенининг бошлиғи А. Миржалиловга мурожаат этиб, шу хабарни шарҳлаб беришни илтимос қилди.**

— Метро муаммолари билан қўшимча равишда шуғулланувчи ТошДД муҳандис-кимёгари Степаниченко ва профессор Деҳқоноваларнинг мулоҳазаларига қараганда, улар «Чкалов» станцияси қандайдир «биореактор» устида жойлашган. Гўё ана шу «реактор»дан чиқаётган микроблар метрополитен иншоотларини емираётган эмиш, улар ҳадемай қулаб тушар эмиш.

Айтиб қўя қолай, барча конструкциялар ўз ўрнида турибди, уларга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Барча қурилиш ишларини, шунингдек изланишларни пишиқ-пухта олиб борганмиз. Аммо пойдеворини асосан шағал ташкил этади. Яқин-атрофда жойлашган бензин омбори ва тайёрасозлик заводининг ишқорлар омборхонасининг на тозалаш иншоотлари, на ёроқли канализацияси йўқ эди.

Тайёрасозлик заводининг метродан чиқаверишдаги қарши томондан — генерал Петров кўчасида канализация коллекторини ўрнатишга мажбур қилдик. Тозалаш иншоотлари қурилиши ҳали тугалланган йўқ.

Тошкентликларни тинчлантирмоқчиман: метронинг «Чкалов» станциясида ҳеч қандай «СПИДдан хатарли» замбуруғлар йўқ.

**Айтмоқчи, «Труд» рўзномаси ҳам 30 август сонида ўз ўқувчиларини шу ҳақда хабардор қилди.**

## Рўзномалар 1 октябрдан рўйхатга олинади

**Т. ИСКАНДАРОВ, Ўзбекистон ССР матбуот Давлат комитети даврий нашрлар бўлимининг бошлиғи.**

— Бугун бўлмаса эртага Ўзбекистонда нашр этилаётган рўзномаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги жумҳурият ҳукуматининг қарори имзоланади. Қарорда рўзномаларни рўйхатга олиш шу йилнинг 1 октябридан бошланади, деб кўрсатилган, даврий нашрларни рўйхатга олиш учун қандай ҳужжатлар зарурлиги уқтирилган. Пул ўтказиш керак бўлган бисотхона счётининг номери ҳам маълум бўлади.

Бирор ўзгариш бўлса, у ҳақда қўшимча равишда хабар қилинади.

**⊙ Янгиликлар билан С. Шамсутдинов, Д. Облаев, Д. Зокирова, Д. Исроилов таништиришди.**



Камина тўғрисида очиқ ва аччиқ ҳақиқатни ёзганларингиз учун минг бор ташаккур!

Акс садо

### ОҚОЙДИН: «ДАЪВАТИНГИЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛАМАН»

«Энди ўрнингиздан туринг, Оқойдин!» дея менга қарата қилган даъватингизни қабул қиламан. Аммо бугуноқ ўрнимдан туриб кетолмайман, қувватим йўқ. Дарҳақиқат, биз бошлаган курашда энди тўшакда ётиб ғалабага эришиб бўлмайди.

Азиз «Оқшом»чилар, адолатни ошкора қилганликларингиз учун қўлимни кўксимга қўйиб Сизларга раҳматлар айтаман.

Мени ўз ҳимоясига олган суюкли рўзномамиз ижодкорларига, у орқали шаҳар партия комитетидаги инсонпарварларга, шундай оғир дамларда ҳолимдан хабар олиб турган дўстларим, сафдошларим, ёру биродарларим ва қариндош-уруғларимга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман!

**ОҚОЙДИН.**

**«Чорвадор» ширкатининг раиси.**

## Обуна—91: «Оқшом» дўстларини мукофотлар кутмоқда



Ҳар йили обуна пайтида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари таҳририятига, «Союзпечать» ходимларига жамоатчи обуна тарқатувчилар яқиндан кўмаклашадилар. Завод ва фабрикалар цехларида, илмий муассасаларда, ўқув юртларида улар кишиларга беҳисоб нашрлар орасида ўз қизиқишларига мос рўзнома ёки ойномани танлаб олишларига, обунани расмийлаштиришларига ёрдамлашадилар.

Улар жамоатчилик асосида ишлаб, меҳнатлари рағбатлантирилиши мумкинлигини ўйламас ҳам эдилар. Очиғини айтганда, йилига 2 миллион сўм соф фойда оладиган бизларнинг рўзномамиз таҳририятида ҳам жамоатчи обуна тарқатувчилар меҳнатини муносиб қадрлаш имконияти йўқ эди. Биз уларга миннатдорчилигимизни фақат рўзнома саҳифалари орқалигина билдира олардик. Фақат бу йилгина таҳририятда ўз кўнгилли ёрдамчиларини маънавий жиҳатдангина эмас, балки моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантириш имконияти туғилди.

**Таҳририятимиз «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномалари учун 1991 йилги обуна натижаларига кўра рўзномаларимиз энг яхши жамоатчи тарқатувчиларининг ҳар бирини юз сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирлайди.**

«Оқшом» рўзномаларини энг яхши тарқатувчилар учун уюштирилаётган танлов шартлари жўнгина: ўз районида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» рўзномаларига энг кўп, лекин камида 300 нусха обуна қилишга муваффақ бўлган 11 нафар жамоатчи танлов ғолиби бўлади.

Танлов якунлари обуна қабул қилиш район пунктлари ҳамда «Союзпечать» шаҳар агентлиги тақдимномаларига асосланиб берилади. Ғолибларнинг исм-шарифлари ва суратлари рўзномаларимизда эълон қилинади.

# ШАНБА ОҚШОМИДА

Муштарийлар илтимосига кўра

«Ҳурматли «Тошкент оқшоми» рўзномаси муҳарририяти! Мен яқинда 1661 йилда Аврангзебнинг лашкарбошиси Хон Фадоий қурдирган Пинжор боғининг таърифини эшитиб қолдим. Сизлардан илтимос: ана шу боғ ва унинг қандай барпо этилгани ҳақида маълумот берсангиз.
Салом билан, М. ҚОСИМОВА, уй бекаси».

**Ҳинд олими М. Рандҳаванинг қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласи унинг рус тилида чиққан «Асрлар ошган боғлар» номли китобидан олинди. Мақолада Бобурийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили Аврангзеб (1618—1707) даврида боғ-роғлар яратиш санъати хусусида сўз юритилади.**

*Моҳендр* РАНДҲАВА

## Аврангзеб лашкарбошиси барпо этган боғ

САНЪАТ ҳомийликка муҳтож бўлади. Агар ҳомийлик бўлмаса, меъморлик, боғ-роғлар ҳаммаси инқирозга юз тутади.

1658 йилда отаси Шоҳ Жаҳонни назарбанд қилиб, ака-укаларини тиғдан ўтказган Аврангзеб Ҳиндистоннинг подшоси бўлди. У деярли ярим аср ҳукмронлик қилди — бу муддат санъатни, умуман маданиятни бўғиб ташлаш учун жуда кифоя эди. Аврангзеб ҳокимлик қилган давр ҳиндуларга беҳисоб изтироб ва аламлар келтирди. Уларнинг ибодатхоналари вайрон қилинди, бутсанамлари йўқ қилинди, диний йиғинлар ман этилди. Адолатсиз бож-хирожлар халқнинг қаддини букиб ташлади. Ҳатто шиалар ҳам таъқибдан четда қолмади. Аврангзеб шиаларга узун соқол қўйишни тақиқлайдиган фармон жорий қилди ва шиаларнинг соқолини ўлчаб, ортиқчасини қирқиб ташлаш учун махсус кишиларни тайин қилди.

У ўйин-кулги ва куй-қўшиқларни тақиқлаб қўйди. Саройдаги машшоқлар ва раққосалар саройдан қувилди. Махсус кишиларга мусиқа садоси эшитилган ҳар қандай уйга бостириб кириш ва мусиқа асбобларини ёқиб ташлаш ҳуқуқи берилди. Шу тариқа беҳисоб мусиқа асбоблари йўқ қилинди ва машшоқлар очликка маҳкум этилди. Жами раққосаларни эрга бериш ёки салтанат ҳудудидан чиқариб юборишга фармон берилди.

Аврангзебнинг ғам-ғуссадан иборат ҳукмронлик йилларидаги зулматни шеърият ва боғ-роғлар шайдоси бўлмиш қизи Зебуннисогина ёритиб турган.

Бу даврга келиб боғ-роғлар барпо қилиш ишларига шаҳзодалар, зодагонлар ва лашкарбошилар аҳамият бера бошлади. Гуллаб турган шафтолилар фонида тасвирланган аъёнларнинг суратлари, хусусан, шундан далолат беради.

Ўша даврдаги маълум ва машҳур боғлар ичида Пинжордаги боғ нисбатан яхши сақланиб қолган. Бу боғ Калкий атрофида жойлашган бўлиб, ўз вақтида бир зодагонники бўлган. Келинг, шу боғни бир назардан кечирайлик.

Симлага олиб борадиган йўл Суражпур яқинида тоққа секин-аста кўтарилиб боради-да, бирдан бурилади. Тўқ қизил гулли «ўрмон гулхани» деб аталмиш дарахтлар ва осилиб-осилиб турган ғуж-ғуж гулли толзорлар манзарани жуда очиб юборади. Йўлнинг чап томонида кўриниши қалъани эслатадиган кунгурадор деворли бир иншоот кўзга ташланади. Шу Пинжор боғидир. Боғнинг оқланган дарвозасига қизил гуллар чирмашиб кетган. Ариқнинг икки чеккасида «қирол пальмалари» деб аталувчи пальмалар ўсиб турибди. Тонгги майин шабада уларнинг нозиккина шохларини аста тебратиб турибди. Боғнинг олтитала поғонасига ариқдан сув келади.

Биринчи поғонада «Шиш маҳал», яъни «Шиша сарой» жойлашган. У тўқ зангори осмон фонида турган ярим шаффоф чиғаноққа ўхшайди. Иккинчи поғонада икки қаватли «Ранг Маҳал» номли сарой бўлиб, унинг иккала томонидан меҳмонлар учун қурилган хоналар келиб туташган. Ариқдаги сув «Ранг Маҳал»нинг тагидан ўтиб, токчали девордан пастга шаршара бўлиб оқиб тушади. Бу токчаларда бир пайтлар хантал (горчица) мойидан ёнадиган чироқлар милтиллаб турган. Чироқларнинг милт-милт ёниши кечаси ялтираб кўринадиган қўнғизга ўхшар ва бу нарса киши кўз ўнгида эртаксифат ажиб бир манзара кашф этарди.

Фавворaларнинг сувлари баландга отилади-да, майда-майда заррачаларга айланиб ҳавога сочилиб кетади. Суражпур ва Калкийнинг чироқлари юлдуз мисол чарақлайди, ҳавони эса тунда муаттар ҳид таратадиган гул — дарахтларнинг иси тутиб кетади. Ёзда боғда ёсуманнинг нозик ҳиди таралиб туради. Йўлкалардаги тизимгул, капалакгул ва бошқа гуллар кўзни қувнатадиган ранглар уйғунлигини ҳосил қилади. Манго дарахтларининг соясида ҳар ер-ҳар ерда нозик ҳаворанг гуллар очилиб ётибди.

Баҳорда бир йиллик ўсимликлар гулга бурканганда ранго-ранг бўлиб жилоланадиган сув поғоналарда шаршара бўлиб оқиб туша бошлайди ва фавворалар отила бошлайди. Шунда Пинжор кишида унутилмас бир тасаввур қолдиради. Ҳақиқатан ҳам бу боғ Шимолий Ҳиндистондаги энг гўзал боғлардан биридир.

Уни 1661 йилда Аврангзебнинг лашкарбошиси Хон Фадоий қурдирган. Боғнинг андозаси Лаҳўрдаги Шалимар боғидан олинган. Пинжорнинг қадимги номи Пангпура бўлиб, беш оға-ини Пандавлар шаҳри, деган маънони англатади.

Афсона қилинишича, Кауравлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Пандавлар дунёвий ишлардан воз кечадилар ва ўзларини ихтиёрий бадарға қиладилар*. Шу сарсон-саргардонлик вақтида улар Ҳимолай тоғларининг этакларида бир булоққа дуч келадилар ва уни Пинжор деб атайдилар ҳамда шу ерда истиқомат қила бошлайдилар. Орадан асрлар ўтди ва Пинжор булоғининг имкониятини боғ-роғлар ҳаваскори бўлган Хон Фадоий муносиб баҳолай олди.

Ўз хотинлари билан хон бу боғда қандай вақтичоғлик қилган? Мўғул давридаги расмлар бизга бу ҳақда ҳам тасаввур беради. Ўша расмлардан бирида ёзнинг дим кечаси тасвирланган. Баланд деворлар билан ўралган боғ ва унга ойнинг майин ёғдуси тушиб турибди. Белидан юқориси яланғоч бир хотин нилуфар гуллар очилиб ётган ҳовузнинг муздеккина сувига оёғини солиб ўтирибди. Хотиннинг орқа томонида учта канизак турибди. Хотиннинг юз ифодасидан у хожаси ва султонини кутиб тургани билиниб турибди.

Пинжордаги боғ ва уйлар жуда қисқа муддатда қуриб битказилган. Бироқ Хон Фадоий бу ҳузур-ҳаловат ва гўзалликдан унча узоқ муддат баҳраманд бўлолмаган. Қудратли мўғул лашкарбошисининг бу ерга келиб ўрнашиб олгани Пинжор боғи жойлашган ҳududнинг мағрур режасини ғижинтирди. Пинжор билан Маний Мажранинг оралиғида жойлашган Нелий деган жой эл орасида ёмонотлиқ эди — бу ерлик аҳолининг кўпчилигини эси пастлар ташкил қилар, бундан ташқари буқоқ билан оғриган кишилар кўп эди.

Ража шу Нелийдан энг тентак ва буқоқ хотинларни йиғибди-да, уларни уй хизматкори қилиб Пинжор боғига жўнатибди. Хон Фадоийнинг хотинлари уларни кўрибдию эсхонаси чиқиб кетибди. «Булар кимлар, қанақа одамлар?» деб сўрашибди хон хотинлари. Шунда «Бир неча ой шу ерда турсанглар, сизлар ҳам худди шу ҳолга тушасизлар», деган жавоб олибдию улар баттар қўрқиб кетибди. Шу воқеа сабаб бўлиб Хон Фадоий хотинларининг қийин-қистови остида боғни ража Бхиванга ташлаб, бу ерлардан батамом жўнаб кетган экан.

Боғ ража Бхивандан ража Сирмурнинг ихтиёрига ўтди-да, 1778 йилда Паншаланинг маҳаражаси Амар Сингҳ уни ўз хонлигига қўшиб олди.

1823 йилда инглиз сайёҳи Муркрофт боғни келиб кўриб, уни мана бундай таърифлаган эди:

«Боғнинг бир-биридан тош панжаралар билан ажратилган бешта поғонаси жануб томонга қараб пасайиб боради. Боғнинг қоқ ўртасидан мазаси ширин зилол сув оқадиган тошдан ишланган ариқ ўтади. Унинг сувини оддийгина мосламалар ёрдамида ҳавзага тик жойлашган чуқурларга йўналтириш ва шу тариқа бутун поғона юзасига сув бостириш мумкин.

Ҳозир боғда битта катта лимон дарахти, бир нечта терак ва қизил дарахт ўсиб турибди. Бундан ташқари 5—6 ерда лолалар чаман бўлиб ётибди. Боғда 5—6 та зотли бия ҳам боқилади. Боғ дарвозаси олдида хизматкорлар учун иккита шинамгина хона ҳам сақланиб қолган.

Бу боғ ва унинг теварак-атрофидаги ерлар Патиаланинг ражасига қарашли, лекин у ҳеч қачон бу ерларга ташриф буюрмас экан. Боғда ражага дори-дармон тайёрлаш мақсадида озгина атиргул ўстирилар экан».

Боғ узоқ муддат қаровсиз ётиб каккликларга макон бўлди. Лаҳўрдаги «Мўтий (Марварид) боғ» барпо қилдирган боғ-роғлар ишқибози маҳаража Нарендр Сингҳ Пинжор боғидаги шийпонларни секҳ услубида қайтадан қурдирди. Миришкор боғбон бўлган маҳаража Адвиндр Сингҳ боғни тартибга солиб туришга маблағ берадиган манго каби мевали дарахтлар ўтқазди.

Чироқлар ёруғида ажиб бир манзара кашф этадиган бу боғ ҳозирги кунда сайёҳлар ва Чандигарҳ шаҳри аҳолиси ҳордиқ чиқарадиган масканга айланган.

Ансориддин ИБРОҲИМОВ таржимаси.

***. Гап ҳиндларнинг қадимги достони «Маҳабҳарата»даги воқеалар хусусида кетаяпти. (А. И.).**



⊙ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ.

А. Жданов сурати.

Яна нақллар хусусида

## Кишининг шодлиги

**БИР шодон дўст асаби бузуқ, бўлар-бўлмасга хафа бўлиб юрадиган дўстига боқиб: «Шодликда яшаган — ғамни унутар», «Хушчақчақ эр бот қаримас», — дебди. У қулоқ солмай кета берибди. Вазмин, ҳақиқий дўст: «Кўп ғамни оз қувонч қувади», «Осойишталик — энг яхши малҳам», — дейишни канда қилмабди. У эса яна қаерга юз буриб кетмасин, ҳар ерда ўринсиз ғазабланиш ва хафаликдан фойда кўрмай, охири: «Хафаликдан йироқ бўл, хурсандликка қўноқ бўл», «Ўйнаб-кулсанг йигитдай, сиқилмайсан чигитдай», — дебди ўзига-ўзи.**

**Шундан кейин меҳнатсевар икки дўст хушнуд бўлиб, баравар: «Беш куним — хуш куним» деганларидек, барча яхши одамлар қатори: «Кишининг шодлиги — умрининг зиёдлиги», — деган гапни жон-дилдан тан олдик», — дебди.**

## Катта давлат

**БИР ширинсухан, меҳнаткаш ота, «Камтарлик — жасорат тожи», «Камтарлик одамга ҳусн беради» деган гапларни бир-бир эслаб, кўзининг оқ-қораси бўлган мағрур, ёлғиз фарзандига ҳеч эринмай: «Супурги — ернинг ҳусни, камтарлик — эрнинг ҳусни», «Камтарликнинг камоли бор», — дея берибди. Бора-бора ўз дилида: «Камтарга — камол, манманга — завол», «Камтарлик кўкка кўтарар, манманлик ерга киритар», —деб аста шивирлаган фаҳм-фаросатли ўғил камтарликка кўнгил қўйиб, манманлик қилишдан тортинибди ва ўзидан катталарга самимий салом бериб, кичикларнинг ёқимли саломига мулойим алик оладиган бўлибди. Шу боис «Камтарлик — қалб гўзаллигининг кўзгуси» деганларидек, ҳурматли отанинг: «Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр», зеро: «Камтарлик — катта давлат», — деган гаплари азиз халқига ҳалол хизмат қилиш учун бел боғлаган камтар ўғилга майин шамолу ёғдай ёқиб, унга ажойиб куч, илҳом бахш этган экан.**

Баҳром МУСЛИМОВ.



**⊙ КЎРГАЗМА СОВРИНДОРИ. Н. Островский номидаги шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи миллий каштачилик тўгараги қатнашчиси — 173-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Дилором Мирзааҳмедова. У шу йил Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида ўз ишлари билан қатнашиб, бронза совриндори бўлди.**

**Х. Шодиев сурати.**

Назм дафтаридан

## Қуёш ва ой

**Чексиз фазо! Булутлар ҳам уради жавлон,**
**Юрагимни эзур шу дам, бергандай садо.**
**Тақдиримда қуёш-ла, ой ўрнакдай ҳар он,**
**Бири нурга, бири тунга эрур ҳукмрон.**
**Ой инсонлар тин олишга бўлармиш ҳамроҳ,**
**Иккиси инсон ғамида, кўнглига чироғ.**
**Қуёш — ёруғ ҳаёт!**
**Ой тун бўлибди шу чоғ.**
**Инсон қўяр иккисига ихлос, ҳайрихоҳ,**
**Ҳар бир инсон зиё сочса, қуёшдай ёниб.**
**Тун роҳати, тинч уйқудан турса у, қониб,**
**Бу эзгуликнинг порлоқ умид, гўзал нақшидир.**
**Хаёлларга ғарқ бўламан, ўйлаганим дам,**
**Ой, Қуёшдан ўргансайди ҳаётни инсон.**

Темур КАРИМОВ.

Шанба фельетони

## Тилни тийган...

ҚИЗИЛ сувни ҳеч кўрганмисиз? Биламан ажабланаяпсиз. Шу пайтгача Тошкент анҳорларида тип-тиниқ зилол сувлар оқишини билардиму, аммо уларда қон оқишини кўриш нари турсин, ҳатто бу ҳақда эшитганимиз ҳам йўқ, деб жавоб беришингизни кўнглим сезиб турибди. Очиғи, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимаси Ойшахон Қурбонова каминани Салор бўйига етаклаб келиб, шу анҳорнинг ирмоғи бўлмиш Қорасув каналидаги қип-қизил қонни бармоғини бигиз қилиб кўрсатмаганларида қизил сув ҳақидаги ҳақиқатни мен ҳам ривоят деб ўйлаган бўлурдим.

— Кўраяпсизми, — деди Ойшахон нафратомуз оҳангда, — мана бу деворнинг нариги томонидан оқиб чиқаётган қон ва бошқа қуйқимлар Қорасув орқали Салор анҳорига келиб қуйилмоқда...

— Юринг, ичкарига бир разм солайликчи. Аммо димоғингизни дастрўмол билан бекитиб олинг, акс ҳолда...

Биз пештоқига «Тошкент вилояти матлубот жамиятига қарашли «Заготсбитбаза»нинг 7-қушхонаси» деган ёзувли тахтача осиб қўйилган бинога кирдик. Чиндан ҳам бу ердаги қўланса ҳидга чидаш мушкул эди. Зотан, шундай бўлиши табиий, негаки, қушхона ўз номи билан қушхона-да!

Шу ерда айланиб юрган оддийгина кийимдаги бир йигитга кўзимиз тушди. База директори Ф. Отабоев шу киши бўладилар, деди Ойшахон. Рўбарў келдик.

— Юз сўм жарима тўласакда сизлардан қутулмас эканмизда-а? — деди директор зўр-базўр жилмайиб. — Сизлар ташлаб кетган актдаги камчиликлар асосан тугатилди.

— Анҳор бўйига моллар боғлаб қўйилибди. Бир-иккита бўлса, ҳам майли эди. Ахир, улар сувни тағин ифлослантиради-ку?..

Директор елка қисди.

39-автотранспорт корхонасига қарашли 5-колонна биноси олдига келганда Салор сувининг ранги қора бўтқа тусини олади. Шунинг учун ҳам бу ерда истиқомат қилувчилар бу анҳорни «мойли сув», деб атайдиган бўлишибди. Бунинг сабаби шундаки, колонна биносидан нефть маҳсулотларига қўшилиб оқиб чиқаётган суюқлик анҳорга қуйилиб, сувни том маънодаги зардобга айлантириб юбормоқда. Тўғри, бундан бир ой муқаддам бош муҳандис Т. Айрапетянга 50 сўм жарима солингач, қора мойнинг йўли анча тўсилган эди. Аммо шу ерда ўринли бир савол туғилади: мусаффо Анҳоримизнинг тоза ва софлигини сақлаб қолиш учун жарима тўлашгача етиб келиш шартмиди?

Бу хилдаги аянчли манзарани Тошкент экскаватор заводи ва унга қарашли корхоналар бинолари ҳудудида ҳам учратиш мумкин. Завод ичидаги сув тармоқлари корхонанинг автотранспорт цехи орқали ташқарига чиқади. Асосан бу ариқчалардан сув ўрнига нефть чиқиндилари оқиб, у яна ўша шўрпешона Салорга келиб қуйилади. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети анҳорга тушаётган суюқлик таркибини текшириб кўрганда нефть маҳсулотлари ва бошқа зарарли моддалар миқдори одатдагидан 21 марта кўпайиб кетганлиги аниқланди. Шундай экан, Салорнинг суви қораймай унга хуруж қилаётган завод мутасаддиларининг юзи қорайсинми? Комитет корхона директори Я. С. Юсупов ва бош муҳандис А. Т. Мунтин чўнтакларига зарба уришдан бу галча ўзини тийди, уларнинг йиғламсираб, тавба-тазарру қилганликларини инобатга олди. Қани, кўрайликчи, Салорга оқаётган заҳарнинг йўли тўсилармикин?

Дарвоқе, чин маънодаги заҳарни «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари кўзни чирт юмиб Салорга ташлаб юборишаяпти. Корхонанинг мазкур анҳор бўйларида металлом, кўнчилик маҳсулотлари, ҳар хил чиқиндилардан тозаланмаган бочкалар сақланадиган омборлари жойлашган. Терилар ишловидан кейинги химиявий моддалар чиқиндилари сув нари турсин, ҳатто қирғоқдаги ўт-ўланларни ҳам қовжиратиб юборибди. Бирлашма бош директори Л. М. Арушановку 100 сўм жарима билан қутилди, аммо бечора Салоримиз бу хилдаги боқибеғамлардан, бағрида оқиб ётган зардобдан қачон халос бўлур экан? Анҳорнинг тили бўлганда шу саволни шаҳар маъмурлари олдига кўндаланг қилиб қўярди!

Анҳор қирғоғида жойлашган «Спецмебель» заводи жамоаси ҳам нефть маҳсулотлари билан Салорни булғатаётгани, оқибатида шу корхона директори Б. П. Чурочкин юз сўмни жарима шаклида қуртдай санаб бергани ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Негаки, жариманинг ўзи билан иш битмайдиганга ўхшайди. Бизнингча, комитет шаҳар табиати мувозанатини издан чиқараётган корхоналарни, жумладан, Д. М. Осерчук раис бўлган «Каноф» ширкатини бутунлай бекитиб жуда тўғри қилди. Рост-де, дунё дунё бўлиб автомашиналарни анҳорда «чўмилтиришганини» эшитган кимса борми? «Каноф» шундай қилаётган экан.

Жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган кичик дарёлар сувини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Низом ҳамда Ўзбекистон маъмурий мажмуасининг сув қонунчилиги қоидаларини, масалан, 64-моддани бузганлиги учун табиатни муҳофаза қилиш комитетлари айбдорларга нисбатан кескин жазо чораларини кўришлиги алоҳида уқдириб ўтилган. Афсуски, комитетларимиз ўзларига берилган ана шу ҳуқуқдан кенгроқ фойдаланиш борасида анча кўнгилчанлик қилишаяпти. Ҳа, ҳа, эътироз билдирмай қўяқолинг, азизлар...

Шаҳримиз табиати қўриқчиси Ойшахон билан Салор ёқалаб орқага қайтар эканмиз, Анҳор қирғоғида сувга қармоқ ташлаб ўтирган болакайларга кўзимиз тушди. «Ҳой дўндиқлар, овора бўлманглар, бу заҳарли сувда қармоғингизга балиқ тугул, эски ботинка ҳам илинмайди», деб бақиргим келдию, аммо тилни тийдим. Ҳа-де, шунча расвогарчиликларни кўра била туриб шаҳримизнинг баъзи «казо-казо»лари жим турганда айюҳаннос солиш менга зарур кептими? Тилни тийган бой бўлур, дейдиларку, ахир. Бас, фельетончамни шу ерда мухтасар қилганим маъқул!

Абдулла НУРИМОВ,
«Тошкент оқшоми» махсус мухбири.

## Қадр қилган қадр топади

ЖУМҲУРИЯТДА хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Рустамхўжа Бобоев эл-юрт дарди билан яшаб, ҳақиқий инсонларни доим қадрларди. Бугун, Билимлар кунида Акмал Икромов районидаги 287-ўрта мактаб жамоаси янги ўқув йилини ўзгача кайфиятда бошлади. Бунинг боиси ушбу билим масканига узоқ йиллар мобайнида ўз умрини педагогикага бағишлаган Р. Бобоев номи берилишидир. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган маросимда Р. Бобоевнинг шогирдлари бўлмиш ўқитувчи Э. Камолов, доцент К. Назаров, доцент Х. Қодиров, ёзувчи М. Мансуров ва бошқалар ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар.

Р. Бобоев номининг ўзи ишлаган мактабга берилиши Каттақеъни маҳалласи аҳлини жуда севинтирди.

Ғаффор МАННОПОВ.

